



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 5 ноябр, жума № 156 (803)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бухоро вилояти деҳқонлари 403 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони уйиб, пахта тайёрлаш режасини бажарди. Гектар бошига ўртача 31 центнердан кўпроқ ҳосил кўтарилди.

Вилоят пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб, ялпи хирмони 410 минг тоннага етказишга бел боғлади.

Навобий вилоятида ҳам илк бор 120 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» хирмони уйиб, йиллик шартнома режаси муваффақиятли бажарилди. Ўртача ҳосилдорлик 27,3 центнерни ташкил этди. 15 минг 650 тоннадан зиёд уруғлик пахта тайёрланди.

Пахта йиғим-терими давом этмоқда.

1999 йил — Аёллар йили



ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Пскент шаҳридаги «Жанубий» автополигонда мамлакат биринчилиги учун халқ буйича автомобиль пойгаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кумаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва Тошкент автомобиль федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда республикамизнинг энг кучли спортчилари қатнашди.

Жасоратдан илҳомланиб

Хоразм вилоятининг Ботот тумани Найман қишлоғида жойлашган Жалолиддин Мангуберди номидаги мактабда ўқувчиларнинг мазкур халқ қаҳрамони ҳаёти ва жасорати бағишлаб ўтказилган икки ишлари танлов яқунланди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан буюк аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди ва Оғаҳийнинг юбилейни нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сунг, мазкур танловни ўтказиш ғояси туғилди, — дейди мактаб директори Собир Отажонов. — Дастлаб бундан фақат ўқув-ўқувчи мақсад кузланган.

Шуниси аҳамиятлики, мазкур танлов айрим иштирокчиларнинг тақдирига ҳам таъсир кўрсатди. Танлов ғолибларидан бири, ўтган йили мактабимизни тавонмаган Дилдора Жумабоева ҳозир Ал-Хоразми номидаги ўрган давлат университети тарих факультетининг сиртки бўли талабаси. Шунингдек, у мактабимизнинг тарих кабинетига лаборант бўлиб ишламоқда.

Дилдора узининг «Қорақум йулбарси» мавзусида рефератни шундай деб ёзган: «Мен Жалолиддин Мангуберди каби халқ қаҳрамонларини тарбиялаб етиштирган юрда туғилиб, вояга етганидан фахрланаман. — Шу боис муаллима бўлишни ва ушбу ифтихор туйғуларини ўз ўқувчиларимга ҳам сингдиришни орзу қиламан...»

Навобий туманидаги «Жалоир» ширкат хўжалигида «Истикбол» хусусий қорвчилик фермаси ташкил этилганга 5 йил бўлди. Ушбу фермани туманининг энг тажрибали зоотехниги Маҳмуд Норов бошқаради. Ҳозирда фермада 300 бош қорамол, 6 бош йилки ва 105 бош соғин сугирлар мавжуд. Айни пайтда, хўжаликнинг илгор чорводорлари ҳар бош соғин сугирдан кунига 8-9 литрдан суг соғиб олмақдалар.

Шу кунларда фермада қорамолларни семиртириш, уларни қишлоқдан соғлом ва беталофат олиб чиқиш учун бир қанча чоратадбирлар кўрилмоқда. Чорводорлар бу йилги қишлоқ мавсумига 300 тонна силос, 300 тонна сенаж ва 150 тонна дағал-хашак жамғардилар. Улар келгуси йилда 1 миллион сўм соф даромад олишни мақсад қилганлар.

Суратда: Суг соғувчилар (чапдан-ўнганга) Азиза Рўзиева, Анор Холмўминова, Санобар ва Сабоҳат Сувоновалар. С.СУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ҚАРС - ИККИ ҚЎЛДАН

Газетхонлардан таҳририятимизга келган хат-хабарларнинг бир қисмида жойларда қишга тайёрғарлик ишлари кўрилмайдиган эмаслиги, айрим қўл қаватли уйлар томидан чакка ўтаётганилиги, иситиш тармоқлари яхши ишламаётгани боис иссиқ сувдан баҳраманд бўлилмаётгани ва бошқа қурулур хусусида таассуф билан маълум қилинган эди.

Ўқуридаги сингари хатлар изидан бориб тайёрланган ва «Бой берилаётган имконият» сарлавҳаси билан чоп этилган мақолада жумладан, Собир Раҳимов тумани Сабзор даҳасида жойлашган қўл қаватли уйларнинг баъзилари қишга тайёр эмаслиги каби камчиликлар танқид остига олинган. Қуни кечга газетамизнинг ушбу чиқиши юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бirlашмаси бош директори ўринбосари В. Қаримжонов имзо чеккан жавоб хати олинди.

Унда маълум қилинишича, газета мақоласи буйича текшириш ўтказилганда унда қайд этилган камчиликлар тасдиқ-

ланган ва уларни бартараф қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белги-ланган. Жумладан, 35-В уйнинг 9, 10, 20-хонадонлар том қисмини таъмирлаш учун тузилган махсус қурилиш бригадаси белгиланган кун тартиби буйича иш олиб бораёпти. 44-уй ертўласидаги қувурлардан сизиб чиққан сув насос ёрдамида тортиб ташланди. Айни пайтда мазкур уйлар ертўласи қуруқ, эшиклар қулфлар билан таъминланди.

Шунингдек, жавобда мазкур уйларда яшовчи фуқаролар коммунал ва маиший хизмат ҳақларини ўз вақтида тўламаётганликлари ҳам эслатиб ўтилади. Масалан, 35-А уйда яшовчилар 464082 сўм коммунал туловларидан қарздорлар. 35-В, 37-, 40-, 44- уйларда ҳам юқоридагидек манзарани кузатиш мумкин.

Таҳририятдан: коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун ўз муддатда ҳақ тўлаш хонадонларни вақти-вақти билан таъмирлаб туришни «Ишонч»га қалолатидир. Халқимизда «Қарс - икки қўлдан» деган мақол бежиз айтилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг парламент олтинчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар бажарилишини ташкил этиш бўйича Комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Комиссия раҳбари, Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб бори.

Мажлисида фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳига бошчилик қилаётган Б.Эшоновнинг ахбороти тингланди.

Ахборотда айтиб ўтилганидек, ишчи гуруҳи асосий эътиборни фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш билан боғлиқ ишларни қўлайлаштиришга ҳамда бу йўналишда амалга оширилаётган тадбир-чоралар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишга қаратмоқда.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг қабул қилинганлиги аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб этишдаги қўлайлаштиришга ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз вақтида етказиш тартиботини, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий таълимини ташкил этиш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чора-тадбирларини рўйбга чиқариш мазкур дастурни амалга оширишнинг устувор вазифаларидан бўлиб қолди.

Жойларда шаҳар ва туман ҳокимлари иштирокида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг йиғилишлари тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди. Бундай йиғилишларда прокуратура органлари, судлар, адлия, ички ишлар органлари ходимларини, олий ўқув юрларининг ўқувчиларини, «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармаларининг, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий

марказнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг вакилларини кенг жалб этган ҳолда ҳуқуқий маърифат ишларини ташкил этишда ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг узаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда иш олиб бориш борасидаги вазифалари аниқлаштириб олинмоқда.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини бажариш мақсадида демократия асослари ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курс ишлаб чиқибли, ўқув юрларининг таълим дастурига киритилди, ҳуқуқий билимларни оммашаштиришчи юридик адабиётлар чоп этиш кўлаёти, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ҳуқуқий тарбияни тақомиллаштириш, шунингдек педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбир-чоралари белгилаб олинди.

Ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш соҳасидаги ишларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мувофиқлаштириб бормоқда. Давлат бошқаруви ва адлия органларининг юқори малакали кадрларга бўлган эътиҳолларини қондириш мақсадида Адлия вазирлиги қўшида Республика юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик институти хузурида эса Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ташкил этилди. Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий мавзуда эълон қилинаётган материаллар сифатини анчагина оширилди. Жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида фойдаланишда, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қумаклашмоқда.

Мажлисида республика «Маҳалла» хайрия жамғар-

масининг раиси Ш.Жалилов, Ўзбекистон Республикаси Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси раиси Х.Абдураимов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг ўринбосари Ю.Пулатов, Тошкент давлат юридик институти хузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори У.Бозоров, Давлат матбуоти қўмитасининг раиси Р.Шоғулов сўзга чиқдилар.

Комиссия раиси Э.Халилов муҳокамани яқунлар экан шунга таъкидлаб ўтдики, муайян натижаларга эришилганлигига қарамай, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш сифат жиҳатидан яхшилаш учун мавжуд катла резерв ва имкониятлардан етарлича фойдаланилмапти. Ишдаги жиддий камчиликлардан бири шунки, ўтказилаётган тадбирлар кўпгина уларнинг аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик ва яхши тайёрғарлик қурмаслик оқибатида юқори самара бермаётган ҳамда қўйилган натижага олиб келмаётган.

Ишчи гуруҳи белгилаб олинган барча тадбир-чоралар тулиқ амалга оширилишига муваффақ бўлганича йўқ. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш муаммоларига ҳаддан ташқари кам эътибор берилаётган, турли даражадаги раҳбарлар қўл ҳолларда қўнун ҳужжатларини яхши билмайдилар. Фуқароларнинг ҳуқуқий маорифи ишини йўлга қўйишда кассаба уюшмалари ўз ўрни ва мавқеини тула тушуниб етган деб бўлмайд.

Комиссия раиси оммавий ахборот воситаларининг вазифаларига ҳам муфассал тўхталиб ўтди. Уларнинг ишдаги камчиликларни таъкидлар экан, мамлакатимизда Олий Мажлисига, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларга тайёрғарлик қизгин паллага кирган ҳолатда қандай ҳуқуқий билимларни тарғиб этишни тўдан яхшилаш зарурлигига эътиборни алоҳида қаратди. Эълон қилинаётган материалларнинг сифатини кескин ошириш, ҳуқуқий мавзудаги материалларни

тайёрлашга билимдон мутахассисларни жалб этиш лозим, ҳуқуқ нормаларини нотўғри шарҳлаш ва шунинг оқибатида фуқароларни чалғитиб қўйиш каби қўл узраб қўлаётган ҳолларга қатъий барҳам бериш зарур.

Комиссия муҳокама яқунлар экан шунга таъкидлаб ўтдики, муайян натижаларга эришилганлигига қарамай, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш сифат жиҳатидан яхшилаш учун мавжуд катла резерв ва имкониятлардан етарлича фойдаланилмапти. Ишдаги жиддий камчиликлардан бири шунки, ўтказилаётган тадбирлар кўпгина уларнинг аҳамиятига етарлича баҳо бермаслик ва яхши тайёрғарлик қурмаслик оқибатида юқори самара бермаётган ҳамда қўйилган натижага олиб келмаётган.

Ишчи гуруҳига ўз саъй-ҳаракатларини фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган сайлов тўғрисидаги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги, сийсий партиялар тўғрисидаги, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қўнунларни ҳамда бошқа қўнун ҳужжатларини кенг қўламада тушуштиришга йўналтириш тақлиф этилди, шунингдек Тош-

кент давлат юридик институти хузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳамда бошқа мамлакатдор ташкилотлар билан биргаликда фуқароларнинг ҳуқуқий маорифини яхшилаш масалалари бўйича мунтазам равишда илмий-амалий конференциялар ўтказиб бориш тавсия этилди.

Комиссия ишида Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари Б.Бугров, Б.Шодиева, А.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қўнунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й.Назаров, Олий Мажлис қўмиталарининг, бир қанча вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ва жаҳон

Тиббий жиҳозларни ишлаб чиқаришда дунёда етакчилик қилаётган компаниялардан бири - Финляндиянинг «Медико-Медикал инструментариум» корпорацияси билан Наманган вилояти солиқни сақлаш бошқармаси шартнома тузди, дея ҳикоя қилади ЎЗА мухбири Н.ХҲАЕВА. Ушбу шартнома бўйича касалларга тахшис қўйиш ва даволаш бўйича энг замонавий тиббиёт техникаси Наманганга келтирилади. Умумий қиймати беш миллион АКШ долларига тенг бу жиҳозлар Наманганда ташкил этилган тезкор тиббий ёрдам кўрсатувчи вилоят маркази учун мўлжалланган.

Янги марказ кўп тармоқли «Гузэл» вилоят касалхонаси асосида ташкил топди. Ҳозирги кунда бу ерда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Касалхонанинг узаро боғлиқ бир неча қорпусдан иборат олти қаватли биноси тулиқ таъмирланди. Бу ерда олиб борилаётган ишлар қўламини шундан ҳам билиш мумкинки, бугунги кунда Наманганнинг асосий қурилиш майдонларидан бирига айланган касалхона биносини бунёд этишда вилоятнинг еттига қурилиш трести ва йиғирмата ёрдамчи пудрат ташкилотларининг мингдан ортиқ ишчиси меҳнат қилмоқда. Марказ бу турдаги

муассасаларга қўйиладиган жаҳон андозаларига тулиқ жавоб бериши керак. Халқаро меъёрларга мувофиқ тарзда бу ерда тезкор тиббий ёрдам кўрсатиладиган йиғирмадан ортиқ бўлиб ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Мазкур марказ бир пайтнинг узида вилоятнинг барча туманларидан юбориладиган 350 та касални қабул қилишга мўлжалланган. Вилоятнинг чекка ҳудудларидан оғир касалларни олиб келишда санитария вертолётларидан фойдаланиш қўламада бўлиши қўлай. Ҳозирда марказ ҳудудида махсус вертолёт майдончаси қурилиши тугалланди. Янги тиббий муассаса ишини юсак даражада ташкил этишда марказ хо-

димларининг малакаси катта аҳамиятга эга. Шу боис, марказнинг 24 та шифоқори яқинда Москвада, Склясовский номи тезкор тиббий ёрдам курсатиш бўйича илмий тадқиқот институтида ўз малакасини ошириб қайтди. У ерда шифоқорлар россиялик ҳамкасбларининг касалларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш буйича таълим олишга мўлжалланган. Марказнинг 40 та ҳамшираси Тошкентда махсус курсларда ўқидилар.

Марказдаги қурилиш ишлари келгуси йилнинг бошида яқунлаштириш мўлжалланган. 2000 йилнинг март ойидан эса бу ерда касаллар қабул қилинади. Вилоятнинг барча туманларидан ҳам тезкор тиббий ёрдам марказининг бўлимларини ташкил этишга доир ишлар бошлаб юборилди. Бу ишлар бир йил аввал қабул қилинган солиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ҳукумат дастурига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Наманганда ташкил этилган тезкор тиббий ёрдам марказининг аҳамияти қанчалик катта бўлма-

син, унинг яратилиши дастурининг фақат битта банди ижро этилганлигини билдиради, — дейди вилоят солиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Осимжон Қосимов. — Шу сабабли биз тиббий ёрдам курсатиш бўйича дастлабки бугун муассасаларини яратиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Би-

ринчи навбатда уларни қишлоқларда ташкил этиш назарда тутилади. Шундай қилиб, етарлича жиҳозланмаган фельдшерлик акушерлик пунктлари, тиббиёт амбулаториялари ва улардан қолишмайдиган қишлоқ касалхоналари урнига қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилмоқда. Бундан мақсад санаб ўтилган тиббиёт муассасаларининг ўзини бошидангина иборат эмас. Мухими, тиббий ёрдам курсатишнинг энг юқори даражада ташкил этишидир. Бунинг учун намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган қишлоқ тиббиёт

пунктлари энг зарур ва замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланмоқда. Айрим қишлоқ шифоқоналарида клиник-тахшис лабораториялари, физиотерапевтик муолажалар учун мўлжалланган жиҳозлардан ташқари, ультратўзуш ташкил қилиш аппаратлари ўрнатилган. Келгуси йилнинг бошидан барча ишга туши-

рилётган қишлоқ врачлик пунктлари бундай ускуналар билан жиҳозланади. Бу йили вилоят бўйича 16 та қишлоқ тиббиёт пункти ишга туширилиши керак. Ноябр ойининг бошида улардан 12 таси фаолият курсата бошлади. Умуман солиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш вилоят дастурига мувофиқ 2005 йилнинг бошига келиб, қишлоқларда 215 та ана шундай даволаш муассасалари очилиши режалаштирилган.

— Шунини яхши тушунамизки, — дейди О.Қосимов, — тиббиёт муассасасини замонавий тарзда жиҳозлашнинг ўзи етарли эмас, бу ерда ишлаётган мутахассисларнинг малака даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммо доимо бизнинг диққат-эътиборимизда. Агар илгари курсатилаётган тиббий ёрдам даражаси унчалик юқори эмаслиги сабаби касалларга асосан тур мутахассисликдаги шифоқорлар хизмат курсатиш бўлими бўлса, эндиликда бу ерда умумий амалиёт юритувчи шифоқорлар ишлаши мўлжалланмоқда. Навбатдаги пунктни очиб пайтда шифоқорларга австралиялик доктор Ж.Мёрнинг маълумотномасини совга қилиш афсонага айланди. Чунки ушбу маълумотнома ташкил қилиш ва турли хил касалликларни даволаш бўйича дунёдаги энг яхши наشرлардан бири саналади.

«Дамас» билан таъминланди. Вилоят марказида оилавий поликлиниканинг ташкил этилиши ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш борасида гаммуриқ нишонасидир. Бу ерда зарур ҳолларда оиланинг барча аъзолари даволашни мумкин.

Тиббиёт ходимларининг ўзи учун ҳам қўлайлиқлар яратилди. Улар учун вилоятнинг энг гузал гушаларидан бири бўлган Косонсой туманида тиббий-санитария бўлими ташкил этилган. Бу ерда вилоят даволаш муассасалари ходимлари ўз солиқларини тиклашлари ва дам олишлари мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳоти даволаш-профилактика муассасаларининг ўз-ўзини молиявий таъминлаш, хусусий тиббий амалиётнинг ташкил этилишини қўламада тулади. Бизнинг бошқармамиз қўшида хусусийлаштириш бўлими ташкил этилган бу ерда тиббиёт муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш масалалари билан шугулланади. Бу ерда ўзича хусусий тиббий хизмат кўрсатишга қарор қилган шифоқорларга ҳам услубий ва ташкилий ёрдам курсатилади. Бунга келиб 300 дан ортиқ шифоқор бу йўналишда иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоятда

юздан ортиқ нодавлат хусусий муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Йил бошидан буён уларда 45 мингга яқин одам даволаш-профилактика муассасалари ҳам қисман ўз-ўзини молиявий таъминлашга ўтмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурига мувофиқ, бу борадаги ишлар қўлама кенгайтирилади. Бундан шунини назарда тутиш керакки, ушбу муассасалар томонидан ишлаб топилмаган маблағлар солиқни сақлаш тизимини эътиҳолларига — моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, касалларга хизмат кўрсатиш даражасини оширишга йўналтирилмоқда. Бу борада ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Энг долзарб муаммолардан эса даволаш муассасаларининг доридармон билан таъминланishi, касаллар учун зарур шартларнинг яратилиши каби масалалардир.

Хуллас, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохлар янада жадаллаштиришни талаб этади. Тиббий ёрдам сураб мурожаат этаётган одамлар уни тулиқ ҳажда, энг муҳими — юқори малакали шифоқорлардан олишлари керак.



Ойим мени эркалаб, «Кўзичок» деб суялар. Кўзларимни сийпалаб, «Кўзмунчоқ» деб суялар.

Кўзларингиз кўзимга ўхшайди жон, кўзичок. Кулок беринг сўзимга: «Келинг, бўламы ўртоқ».

ҚОМУСЛАР ТАРИХИДАН.

Энциклопедия (қомус) аслида юнонча сўз бўлиб, умумий билим доираси деган маънони билдиради. Бу сўзнинг маъноси замоналар ўтиши билан кенгайиб борди...

Қадим замоналарда ҳам, масалан, эрамиздан олдинги XII-X асрларда Хитойда қомусий асарлар вужудга келган. Юнон олимлари Демокрит ва Аристотел ҳам шундай асарлар яратган.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Октябр ойи спорт оламида қизиларни учрашувлари билан эсда қолди. Ана шундай учрашувлардан бирида АКШнинг Лас-Вегас шаҳридаги «MGM HOTEL» майдонида профессионал бокс бўйича совик жаҳон чемпиони «темир кўли» Майк Тайсон рингда қайтди.

Биринчи раунд охирида Тайсон юртикдан кўришар экан. Аммо ринднинг гавулига келишга вақтинчалик қўйилмади, унинг кўзи суяриб қолди. Тайсон ўз рақибини Орлин Норрис билан «қачиб» қолди. Учрашув ҳақида Ривалд Стилл рақиблар олдида бориб уларни ажратилган ҳолатда қўлиб қўйди. Тайсон чап қўли билан рақибга ён томондан қучиб зарба берди. Норрис худди илдиздан кўпорилган дарект каби рингда қулади. Бу ҳаракати учун рефер Тайсонга нисбатан жиддий оқшоқ олиб ташлади. Таварфусларга қараганда Тайсон жаҳон чемпиони бўлиб қолди.

Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига оид тарихий манбаларни тадқиқ этиш жараҳида йирик муаррих Хофиз Абрўнинг «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» асарида қизиқарли бир маълумотни учратдик. Соҳибқиронга замондош бўлган ва оғзазратнинг баъзи ҳарбий юришларида мулозим сифатида иштирок этган Хофиз Абрў Ҳиндистон сафаридан қайтган Амир Темур лашкарининг кўп муддат ўтмасдан Гуржистон сарҳадларида этиб боришдаги суръатини тавсиф қилар экан, мўқояса учун Жалолиддинни лашкарининг илдамлигини эслади ва жумладан, шундай деб ёзди:

«Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ хонгир подшоҳ Чингизхондан мағлубиятга учраган, Ҳинд дийога борди ва ул мамлакатда икки йил юрди. У бироз қувватланган, Қирмон йўли билан Ироққа келди ва то Тифлис ҳудудигача борди. Мавлоно Камолиддин Исфаҳоний Султон Жалолиддин маҳдида қасида айтган бўлиб, унинг бир байти ушбурди:

Буроқи азми ту гоми ки гирифт аз Ҳинд, Ниҳод гоми дувуум бар ақсийи Эрон.

(Сенинг азминг Буроқи Ҳинддан одим узиб, Иккинчи одимини Эроннинг нариги чеккасига қўйди.)

Замон фозилари унинг бу байтига таҳсиллар ёғдиришган ва бир қанча тарих китобларида келтирилган. Хофиз Абрўнинг ушбу маълумоти икки жиҳатдан диққатга сазовордир. Биринчидан, теурийлар саройи тарихини томонидан Амир Темур ва Жалолиддин ҳарбий маҳоратининг таққосланиши Соҳибқирон ҳамда авлодлари машҳур Хоразмшоҳ хотирасини эъзозлаб, уни улғур саркарда сифатида эътироф этишгани ҳақида таҳмин қилишга асос беради. Шарафиддин Али Язидий «Зафарнома» асарининг муқаддимаси ва Мирзо Улугбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарларида Жалолиддин фаолиятини тасвирлашга кенг ўрин ажратилгани ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Иккинчи тарафдан эса, Жалолиддиннинг замондоши ва Шарк адабиёти тарихида ўз муносиб ўрнига эга бўлган машҳур шоир Камолиддин Исфаҳонийнинг саркарда бағишлаб яратган қасидаси

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига

мавжудлиги тадқиқотчилар учун катта аҳамиятга эгадир. Бўлажак шоир Камолиддин Исмоил таҳминан 1172 йили Исфаҳон шаҳрида туғилди. Унинг отаси Жалолиддин Исфаҳоний ҳам (1192 йили вафот этган) ўз даврининг катта шоири эди.

номи билан аталади. Камолиддин Исфаҳонийдан 15 минг байтдан ортиқ ғазал, қасида, китба ва рубойиларни ўз ичига олган шайрлар девон мерос бўлиб қолган. Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий каби адиб ва шайршунослар Камолиддиннинг мадрасада ўқиб турли фанларни ва араб тилини ўрганади. Ўсмирлик пайтларида ўқиб ўқиб шайрлар ёза

«ОЛАМ СУЛТОНИ, ОДИЛ ХОРАЗМШОҲ...» Султон Жалолиддинга бағишланган қасида

бошлайди. Шуниси борки, айрим замондошлари бу шайрларни Камолиддиннинг ўзи ёзганидан шубҳаланиб, уни отасининг асарларини ўзлаштирилгандай айблайдилар. Шу сабабли Камолиддинга кўп бора уни имтиҳон қилиш учун берилган қийин қофия, радифлар асосида ғазал ва қасидаларни бадиҳа йўли билан айтишга тўғри келди. У мадрасани тугатган. Эрондаги баъзи вилоят ҳокимлари саройларида қасиданавис бўлиб юрди. Замондошлари Камолиддинга «Халқол умъоний», яъни «Маънолар ижодчиси» лақабини беришди. Камолиддин Исфаҳоний асарлари шайр саноатлар ва жимжимали ибораларнинг кўп ишлатилганлиги билан ажралиб туради. Рубойилари эса, мутахассислар фикрига қура, хайёмона руҳидадир. Кекаслик пайтларида шоир ҳокимлар сайтлардан узоқлашади ва Исфаҳон чеккасида дарвешона ҳаёт кечиради. Бу даврда у сўфийлар тариқати га киреди ва машҳур шайх Шаҳобиддин Суҳравардий (1145-1235) билан мактублар алоқаси туради. 1235 йили мўғуллар Исфаҳонни босиб оладилар. Кекса шоир аҳолининг қирғин қилиниши, омон қолганларнинг эса босқинчилар тарафидан қуликка солинганини ўз кўзи билан куради. Унинг сўзги асарларида мана шу фожеали давр манзаралари эсга этган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шоир Камолиддин Исфаҳоний 1237 йили мўғул жаңчилари томонидан қийноққа солиб ўлдирилган. Шоир сўнгги рубойийсини ўз қони билан ёзган. Камолиддин Исфаҳонийнинг макбараси ўзи туғилган ўсган шаҳардадир. Исфаҳондаги сулим хиёбонлардан бири ҳозирда шоир

отасинлар ёғдирилган. Аммо, назаримизда, асарда шоирнинг самимий дил сўзлари кўпроқ ақс этган. Қасида ўша замондаги энг йирик ислом давлати - Хоразмшоҳлар сардарлиги Чингизхон томонидан яқсон этилиб, бошқа ислом ўлкалари ҳам катта таҳлика остида турган бир пайтда ёзилган. Ушбу бигир бир даврда бутун мусулмон оламлари мулоҳазалани одамлар Жалолиддин шахсига муҳиди офатга қарши турган қалқон ва ислом ўлкалари нажоткори сифатида қарашарди. Камолиддин Исфаҳонийнинг турли ҳокимларга бағишланган ўнлаб қасидаларидан айнан шуниси ўрта асрларда энг кўп шухрат қозониб, тарих китобларида ҳам келтирилгани бежиз эмасдир. Қасида етук шоир томонидан катта маҳорат билан ёзилган. Ўз замонасида юз берган улкан тарихий жожеаларни шоир Нуҳ алайҳиссалом давридаги тўфонга қиёслайди.

«Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ хонгир подшоҳ Чингизхондан мағлубиятга учраган, Ҳинд дийога борди ва ул мамлакатда икки йил юрди. У бироз қувватланган, Қирмон йўли билан Ироққа келди ва то Тифлис ҳудудигача борди. Мавлоно Камолиддин Исфаҳоний Султон Жалолиддин маҳдида қасида айтган бўлиб, унинг бир байти ушбурди:

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАС

Давлат бюджетининг асосий манбаи солиқлар ҳисобланади. Хукумат дастурларининг амалга оширилиши ана шу соҳадаги режаларнинг бажарилишига боғлиқ эканлиги ҳам табиий. Шунга қарама-қарсидан, айрим фуқаролар, ҳатто корхона ва ташкилот раҳбарлари солиқ қонунчилигини четлаб ўтишга, даромадларини яширишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, Қарши шаҳридаги «Каштекс» жамоа корхонасининг раҳбарлари турли жом халлар билан мол-мулк солиғидан давлатга 57025,2 минг сўм зар

раф келтирдилар. Шаҳардаги 12-хўжалик ҳисобидеги автокорхонада эса 197400 сўм фойда ҳисоботдан камайтириб курсатилди. Муборак туманидаги «Рустам» хусусий савдо дўконига 1470,6 минг сўм ялпи даромад солиғидан яширилди. Натижада улардан 3269,4 минг сўм ундирилмади.

«Ойни этак билан ёпиб бўлмайди» деганларидек, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ўтказилган текширишларнинг 1805 ҳолатида солиқ қонунчилиги қоидалари бузилганлиги аниқланди. Корхона ва ташкилотлар ҳисобига молиявий жарама билан бирга 493980 минг сўм қўшимча ҳисобланди.

ар раҳбари қўриқиб қолдирилган. Шунингдек, мазкур қасида девоннинг 1890 йили Бумбай шаҳрида амалга оширилган тошбосма нашрида ҳам мавжуддир. Ушбу нашрда қасида тепасига «Бу қасида

рар келтирдилар. Шаҳардаги 12-хўжалик ҳисобидеги автокорхонада эса 197400 сўм фойда ҳисоботдан камайтириб курсатилди. Муборак туманидаги «Рустам» хусусий савдо дўконига 1470,6 минг сўм ялпи даромад солиғидан яширилди. Натижада улардан 3269,4 минг сўм ундирилмади.

ҚИНГИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

КИММАТГА ТУШГАН БЕФАРҚЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 февралдаги «Ҳисоб-китоб механизмининг тақомиллаштириш ҳамда Республика бюджетини ва маҳаллий бюджетларга тўловларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқаришнинг тартиблари белгилаиб, шуни унинг жавобгарлик шахсан банк раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчилар зиммасига юлганланди.

Тижорат банкларида ўтказилган текширишлар пайтида корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маълум бир қисмдаги қўриқиб қолдирилган. Шунингдек, мазкур қасида девоннинг 1890 йили Бумбай шаҳрида амалга оширилган тошбосма нашрида ҳам мавжуддир. Ушбу нашрда қасида тепасига «Бу қасида

мида мавжуд бўлган пул маблағлари айрим ҳолларда тенг равишда тақсимланмаётганлиги, солиқ инспекциялари томонидан қўйилган мажбурий тўлов талабномалари ўз вақтида бажарилмаётганлиги фактларига дуч келинди.

Қарши шаҳридаги «Ғалаба» бўлимида 28504 минг сўм, «Уй-жой жамғарама банки»да 4500 минг сўм, Косон туманидаги «Савдогарбанк» бўлимида 1662 минг сўм маблағ ўз вақтида ўтказилмаган бўлса, Нишон туманидаги «Тадбиркорбанк»да солиқ инспекцияси томонидан қўйилган 64,4 минг сўмлик тўлов бюджетга умуман ўтказилмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси

назорат органларини мувофиқлаштириш Кенгашининг режасига мувофиқ солиқларнинг ҳисоб-китоблари юзасидан ўтказилган текширишларда вилоятдаги 8 та банкда турли хатоларга йўл қўйилганлиги боис 686,1 минг сўм қўшимча ҳисобланди ҳамда мансабдор шахслардан 44,8 минг сўм жараима ундириб олинди.

Бу далил ва рақамларга бефарқ қараб бўлмайди. Ким-ким, иктиодиётимиз учун маъсۇл кишилар ўз ишларига шунча бефарқ бўлсалар, хатоларга йўл қўйсалар, бошқалардан нима куттиш мумкин?

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Баш муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимқўжаева, М.Одидова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (баш муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

«СЕМУРГ» ВА «КИМЁГАР» - ОЛИЙ ЛИГАДА!

Ха, биринчи лига жамоалари орасида Тошкент вилоятининг икки жамоаси - «Семурғ» ва «Кимёгар» муваффақият қозониб, келгуси мавсумда олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берувчи икки йўлланмани қўлга киритди. Йўлланмалар учун кураш асосан «Семурғ», «Кимёгар» ҳамда Навоий вилоятининг «Қизилқум» жамоалари ўртасида кечганлигини эса муҳлислар яхши билишади. Чемпионат ўйинлари қизгин курашлар остида ўтганлигини шундан ҳам билса бўладики, биринчи лига гилибарини то сўнгги тур учрашувларида қадар туртишга тўғри келди.

«Кимёгар» сўнги икки тур учрашувида Нукуснинг «Орол» ҳамда Хиваннинг «Хива» жамоаларига қарши ўз йилда тўп суриб, қимматли 6 очкони қўлга киритган бўлса, «Семурғ» учун эса бу вазифани удалаш назарий жиҳатдан анча оғирдек туюларди. Чунки «Семурғ» 35- ва 36-тур учрашувларини Фаргона водийсининг икки жамоаси - лигада ўз ўрнини сақлаб қолиш учун курашаватган «Қува» ҳамда ўз уйида ҳар қандай қучли жамоани ҳам муносиб «жазолаётган» «Цементчилик» қарши меҳмонда майдонга тушиши лозим эди. Бироқ, шунга қарамай, «Семурғ» бу мураккаб вазифани амалда удалади: аввал «Қува» ни йирик ҳисобда (6:1) мағлуб этган бўлса, сўнги энг маъсۇлликни турда «Цементчилик» 3:1 ҳисобидега устун қилди.

Кези келганда алоҳида таъкидлаш лозимки, таърибли мураббий Р.Фабрисов жамоаси бу йилги мавсумда ўзига ҳок рекорд ўрнатди. Утган йили вилоят биринчилигида муваффақиятли иштирок этган «Семурғ» биринчи лигага ўтиш босқинида барча рақибларидан устун келиб, берилмажак 4 йўлланманининг бирини қўлга киритган бўлса, бу йил биринчи лигада илк бор қатнашаётганлигига қарама-қарсидан, жамоа келгуси мавсумда олий лигада қатнашишдек шарафга муассар бўлди. Ангренликларнинг мавсум курсаткилари ҳам ҳаваас қилса ариғилари: рақиблари дарвазасини энг кўп - 93 марта ишғол қилиб, ўз дарвозаларидан энг кам - 21 та тўп ўтказиб юборди. Жамоа 26 маротаба зафар қучиб, 83 та очко йиғишга муваффақ бўлди. Ўз таркибидега Нейматов Кўтибобов, Элдор Қосимов, Мурод Жалилов каби иккидорли футболчиларни жаллаган «Семурғ» келгуси йил олий лигада ҳам ўзининг оқсак парвозини давом эттирса, ажабмас.

Биринчи лига билан «хайрлашган» жамоалар ҳам аниқланди. Тошкент шаҳридан икки жамоа - «Истиклол» (С.Раҳимов тумани) ва «Сирғали» (Сирғали тумани) биринчи лигага тарқ этди. Шунингдек, улар сафига омадсиз «Қува» (Фаргона вилояти) ва мавсум бошидан буй «мағлубиятлар денгизига» қуллоғича ботиб кетган Бухоро вилоятининг «Ситора» жамоалари қўшилди.

Камол ОЛЛОЁРОВ.

ЧАВАНДОЗЛАР САРАЛАНДИ

Қуни кеча Чирчиқ шаҳрида ол спортни бўйича республика биринчилиги ҳамда Тошкент вилояти бошқаруви таъсирлар олимпиади ўринбосарлари тайёрлаш мақтабининг 25 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган мусобақада республикамизнинг турли вилоятларидан келган 30 дан ошқ чавандоз гоилиб қучун беллашди.

Бу чемпионат чавандозларимизнинг йил давомида қўрган тайёргарликларини яна бир бор синовдан ўтказиб, терма жамоамиз таркибининг янги-мушаккал олтидан саралаш вазифасини ўтади, деди республика ол спортни олий маҳорат мақтабининг раҳбари, республика ол спорт федерацияси баш котиби Равшан Саъдуллаев «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Уч күн давом этган мусобақада чавандозлар орасида беш хил баланликдаги (115 см, 125 см, 130 см, 135 см, 140 см) тўсиқлардан сақраш бўйича гоилибар аниқланди, қимматбаҳо совринлар эғларига топширилди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Баш муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимқўжаева, М.Одидова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (баш муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 пейдж 088 аён. № 5108

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсатқичи; 133; 134 Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўлчами А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёти — матбаа концерни босма хонаси. Корхона манзил: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босма тошлари (аҳо) 21,00 Тошхўр (21,3)